

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН 07.00.07 – ЭТНОГРАФИЯ,
ЭТНОЛОГИЯ ВА АНТРОПОЛОГИЯ ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АНАРКУЛОВ САЙФИДДИН МУХИТДИНОВИЧ

**ТОШКЕНТ ВОҲАСИ САНОАТ ШАҲАРЛАРИДА ИЖТИМОЙ-
МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР**

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Анаркулов Сайфиддин Мухитдинович Тошкент воҳаси саноат шаҳарларида ижтимоий-маданий жараёнлар	3
Анаркулов Сайфиддин Мухитдинович Социально-культурные процессы в промышленных городах Ташкентского оазиса	25
Anarkulov Sayfiddin Muxitdinovich Socio-cultural processes in the industrial cities of the Tashkent oasis	49
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	53

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.TAR.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН 07.00.07 – ЭТНОГРАФИЯ,
ЭТНОЛОГИЯ ВА АНТРОПОЛОГИЯ ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АНАРКУЛОВ САЙФИДДИН МУХИТДИНОВИЧ

**ТОШКЕНТ ВОҲАСИ САНОАТ ШАҲАРЛАРИДА ИЖТИМОЙИ-
МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР**

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tar506 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-tarix.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Адҳамжон Азимбаевич Аширов
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Улуғбек Сайданович
тарих фанлари доктори, профессор

Мансуров Улуғбек Умарович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория. Тел.: +99871 227-12-24; факс: +99871 246-53-21, +99871 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино. Тел.: +99871 236-46-55; факс: +99871 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кuni тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Х.Э. Юнусова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.б., т.ф.д., профессор

Б.Б. Хайназаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.ф.д. (PhD)

Н.У. Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув шароитида миграциялар туфайли муҳожирачиларнинг улуши 2020 йилда дунё аҳолисининг 3,6 фоизини ташкил этмоқда. Бугунги кунга келиб аҳоли миграцияси ривожланган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсир этувчи муҳим жараёнга айланиб бормоқда. Миграция жараёнлари асосан йирик мегаполислар ва саноат марказларига йўналган бўлиб, БМТ томонидан 2030 йилда шаҳарларда яшовчилар дунё аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ташкил этиши кутилмоқда.

Жаҳон миқёсида барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг кафолати бўлган кўп миллатли шаҳар муҳитида турли жамоалар ўртасидаги ўзаро дўстона муносабат, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш долзарб муаммога айланиб, у билан боғлиқ қатор конвенциялар, турли жамиятларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Дунёдаги кўзга кўринган илмий марказлар мазкур масала юзасидан доимий изланишлар олиб бормоқдалар.

Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари ва саноат марказлари аҳолиси таркиби турли этник ва маданий гуруҳлар, диний конфессия аъзолари ҳамда ижтимоий қатламлардан иборат бўлиб, у ерда кечаётган ижтимоий-маданий жараёнлардаги муаммоларни ҳал этиш ислохотларнинг муҳим йўналишига айланди. Ҳукуматнинг сўнгги йиллардаги аҳоли миграциясига доир чоратadbирларида, нафақат шаҳарларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, балки, қулай ижтимоий-маданий муҳитни яратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда¹. Бу каби муҳим вазифаларни ҳал этишда шаҳарлар антропологиясига доир тадқиқотларни ўтказиш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5655-сон “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Олмалиқ шаҳрининг 2035 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режасини тасдиқлаш тўғрисида” (Тошкент ш., 2019 йил 31 январь, 68-сон), “Ангрен шаҳрининг 2035 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режасини тасдиқлаш тўғрисида” (Тошкент ш., 2019 йил 31 январь, 69-сон), “Чирчиқ шаҳрининг 2035 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режасини тасдиқлаш тўғрисида” (Тошкент ш., 2019 йил 31 январь, 70-сон) қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Ислохотлардан асосий мақсад – аҳолини рози қилиш, турмуш фаровонлигини юксалтириш. / Халқ сўзи. 2019 йил 2 июнь, № 113 (7343); Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 24-25-бетлар; Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент; Tasvir, 2020. 39-бет.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шаҳар муаммосига доир тадқиқотларда ижтимоий-маданий жараёнларни ўрганиш асосий йўналишлардан бирига айланди. Мазкур тадқиқот ишларида асосан, шаҳарлардаги этномаданий жараёнлар, аҳолининг турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришларнинг кишилар руҳиятида акс этиши муаммолари ёритилган. Тадқиқотда мавзу доирасидаги адабиётлар уч гуруҳга бўлиб таҳлил қилинди:

1. мустақиллик йилларида чоп этилган нашрлар;
2. совет даврида эълон қилинган мавзуга доир адабиётлар;
3. хорижий нашрлар.

Мустақиллик йилларида шаҳар мавзуси тарихчилар, социология, архитектура, тиббиёт, иқтисодиёт, демография, география каби кўплаб соҳа вакиллари томонидан тадқиқ этилди. Мазкур муаммо юзасидан қатор этнологик тадқиқотлар ҳам амалга оширилди.

Совет даврида чоп этилган адабиётларда асосан шаҳар аҳолисининг турмуш тарзи ўрганилган, мафкура таъсиридаги этнографик тадқиқотлар олиб борилди.

Хорижий нашрларда Ғарбдаги йирик шаҳарларнинг ҳаёти акс этган асарлар яратилиб, уларнинг ғоявий асоси капиталистик муносабатларга йўналтирилган эди. Мавзунинг ўрганилишига доир адабиётларнинг таҳлили ва батафсил шарҳи диссертациянинг 1.2-параграфида тўла ўз аксини топган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф-1-88 “Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ривожланишида бағрикенглик тамойилларининг роли (қадимги даврдан то ҳозирги кунгача)” фундаментал лойиҳаси доирасида амалга оширилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент воҳаси саноат шаҳарларида XX асрнинг 30-йилларидан то бугунги кунгача бўлган даврда рўй берган ижтимоий-маданий жараёнларнинг хусусиятларини этнографик материаллар асосида очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий саноат шаҳарлари билан боғлиқ назарий-методологик қарашларни ёритиш;

шаҳар антропологияси ва этнологиясига доир адабиётларнинг тарихшунослик таҳлилини бериш;

саноат шаҳарлари аҳолисининг шаклланиши ва этник таркиби ўзгаришида муҳим рол ўйнаган омилларни аниқлаш;

Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолисининг советлар давридаги турмуш тарзи ва кундалик ҳаётида акс этган ижтимоий-маданий мослашув ҳамда этномаданият масалаларини таҳлил этиш;

глобаллашув ва миграция жараёнларининг шаҳарлар аҳолиси ижтимоий-маданий ҳаётига таъсирини аниқлаш;

ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг шаҳарлар антропологиясига таъсири, аҳолининг этномаданияти ва ўзлигини англашида ўзгаришларни таҳлил қилиш;

Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолиси маросимий ҳаёти ва урф-одатларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент воҳаси саноат шаҳарлари аҳолисининг турмуш тарзи ва маданияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини Тошкент вилояти саноат марказлари аҳолисининг замонавий шаҳар муҳитига ижтимоий-маданий мослашувидаги омилларни аниқлаш, шунингдек, у ерда яшаётган миллатларга хос бўлган урф-одат ва маросимларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда миллатлараро муносабатларнинг аҳамияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда анкета сўровнома, қиёсий таҳлил, кузатув, муаммовий-хронологик таҳлил ва суҳбат каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолисининг шаклланиши ва этник таркибидаги асосий ўзгаришлар уч босқич (XX асрнинг 30-40-йиллари, 50-80-йиллари ва 90-йиллари)да рўй берганлиги далилланган;

совет даврида аҳоли турмуш тарзининг тор доирадаги саноат тармоғига қатъий боғланиши туфайли 1990-йилларга келиб Ангрэн, Олмалик, Чирчик каби шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти издан чиққанлиги, унинг оқибатида кишиларни мазкур ҳудудни тарк этиши ҳамда депопуляция жараёнлари рўй берганлиги асосланган;

саноат шаҳарларида яшовчи турли миллатлар турмуш тарзи ва маданиятидаги трансформация жараёнларини аниқлашга хизмат қилган “шаҳар маданиятининг магнит майдони”, “замонавий шаҳар – анъаналар пайдо қилувчи макон” каби янги ёндашувлар ишлаб чиқилган;

полиэтник саноат шаҳарлари аҳолисининг маросимларида турли диний конфессиялар ва этнослараро барқарор муносабатлар бўлиб, шаҳарликлар орасида этнослараро аралаш никоҳлар етакчилик қилганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шаҳарлар антропологияси масалаларига оид назарий-услубий ёндашувлар ишлаб чиқилган, саноат шаҳарларидаги миллий маданият марказларнинг истиқболли режаларини амалга ошириши бўйича таклифлар берилган;

саноатлашган шаҳар муаммосига доир турли соҳа вакилларининг

қарашлари фанлараро ёндашув орқали таҳлил этилиб, олинган хулосалар асосида шаҳарлар аҳолиси ўртасида тотувликни таъминлаш, диний бағрикенглик тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих фанида, хусусан этнология соҳасида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, дала этнографик маълумотлари билан биргаликда архив ҳужжатлари, адабиётлардан фойдаланилгани, уларнинг аксарияти мавжуд воқеиликка мос келиши, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўпмиллатли мамлакатимизда миллатларо тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда улар билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни бартараф этишга қаратилган ислохотларни амалга оширишнинг методологик-услубий, назарий хулосаларини ишлаб чиқишда ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда умумлаштирилган маълумотлардан Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган миллатларо тотувлик ва диний бағрикенглик ғояларини тарғиб қилишда, шунингдек, Ўзбекистон шаҳарларига оид рисола, монографиялар ва веб сайтлар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент воҳаси саноат шаҳарларида рўй берган ижтимоий-маданий жараёнлар юзасидан чиқарилган илмий хулосалар ва ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Ангрен, Бекобод, Олмалик, Чирчиқ каби шаҳарларда истиқомат қилаётган турли миллат, дин вакилларининг ўзаро ҳамжихатлиги, дўстона алоқаларининг замирида ётган омиллар, саноат марказлари аҳолисида мавжуд жамоавий руҳнинг шаклланишида роль ўйнаётган муҳим жиҳатларига доир диссертацияда билдирилган илмий хулосалар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан 2019-2021 йилларда Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг ижроси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2021 йил 6 августдаги 14-07-1538-сон маълумотномаси). Олинган натижалар саноат шаҳарларида яшаётган аҳолининг этник таркибдаги ўзгаришларни аниқлашга, шунингдек, уларнинг турмуш тарзидаги маданий ўзига хосликларни кўрсатиб беришга хизмат қилган;

замонавий шаҳар тушунчаси билан боғлиқ назарий-методологик қарашларнинг моҳияти, бугунги кун замонавий шаҳар мақомига қўйилаётган талаблардаги ўзгаришларни ўрганишга оид тадқиқотлар таҳлили бўйича

илмий хулосалар Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston tarixi” телеканалнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мавзусидаги “Тақдимот” кўрсатувининг сценарийсини тузиш ва тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston tarixi” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 12 январдаги 02-10-36-сон маълумотномаси). “Тақдимот”да илгари сурилган саноат шаҳарлари аҳолисининг ўзига хос этномаданияти жамият бирлигини таъминловчи муҳим омили эканлиги хусусидаги ғоялар, республикамизда этнослараро муносабатларни мустақкамлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот иши натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та (8 та республика ва 2 та хорижий журнал) мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 8 параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси қисман ёритилган, ишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Замонавий саноат шаҳарларига оид назариялар ва муаммонинг тарихшунослиги”** деб номланган.

Ушбу бобнинг *“Замонавий шаҳарлар билан боғлиқ назарий-методологик қарашлар таҳлили”* номли биринчи параграфидида шаҳар антропологиясига доир назариялар ва ёндашувлар, бу борада шаҳар аҳолисининг турмуш тарзи ва этномаданиятига доир тадқиқотларнинг асосий натижалари очиб берилган.

Замонавий шаҳар муҳити кишиларнинг руҳиятида ва ўзлигини англаши билан боғлиқ рўй берадиган ўзгаришларда асосий омил ҳисобланади². Шу

² Lees A. Cities Perceived: Urban Society in European and American Thought, 1820-1940. – New York, 1985.

туфайли шаҳарлар антропологиясига доир илмий-назарий ва амалий услубларини ишлаб чиқишда шу ерда яшаётган аҳолининг турмуш тарзи масаласи тадқиқотчиларнинг диққат марказида турган³. Бу борада Тошкент воҳаси саноат шаҳарларидаги ижтимоий-маданий жараёнларни тадқиқ этишда ҳудудда яшаётган турли миллатларнинг турмуш тарзидаги ўзига хосликларни ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасида ҳозирги замонавий қиёфадаги мегаполисларнинг шаклланиши XX асрнинг бошларида бошланганлиги боис, унга доир назарий-методологик қарашларнинг пайдо бўлиши ҳам шу даврга тўғри келади⁴. Тошкент воҳасидаги йирик саноат шаҳарларининг шаклланиши ҳам айнан, XX асрнинг 30-йилларидан бошланди.

Замонавий шаҳар муаммосига доир концепциялар моҳиятининг “янада тушунарли бўлиши учун урбанистик ва дезурбанистик туркумларга ажратиш мақсадга мувофиқ”⁵. Ангрэн, Бекобод, Олмалиқ, Чирчиқ каби саноат марказларининг вужудга келиши, юқорида тилга олган концепциялар асосидаги “йўлдош шаҳарлар” йўналишида амалга оширилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, замонавий шаҳар муаммоси кенг қамровли тушунча бўлиб, унга доир қарашларни шаҳарсозлик, социология, иқтисодиёт, этнология каби соҳаларга оид назариялар кўринишида таснифлаш мақсадга мувофиқ. Уларнинг ўз ёндашувларини қуйидаги муаммолар доирасида илгари сурганлигини кўриш мумкин:

замонавий шаҳар қиёфасининг шаҳарсозлик талқинидаги муаммолари;
замонавий шаҳарнинг ижтимоий ҳаётига доир тадқиқотлар;
шаҳар муаммосини иқтисодий омиллар билан боғловчи қарашлар;
табиий омилларнинг шаҳар экологиясига таъсири хусусидаги ғоялар;
замонавий шаҳар ва унинг аҳолисини этнологик тадқиқотлар объекти сифатида баҳолаган қарашлар.

Урбанизм концепцияси тарафдорларининг шаҳарсозлик соҳаси вакиллари Э.Энар, Т.Гарнье, Ле Корбюзье, О.Пере, Н.Ладовский, Л.Гильбесмейерлар бўлиб⁶, замонавий шаҳар билан боғлиқ транспорт, районлаштириш, уй-жой таъминоти каби муаммоларнинг ечимлари хусусида ўз қарашларини илгари сурган.

Дезурбанистлар (XX аср шаҳарсозлик соҳасидаги алоҳида йўналиш бўлиб, унинг вакиллари шаҳарларнинг саноат, фан ва маданият марказлари сифатида ривожлантиришни инкор этадилар) Сория-и-Мато, Э.Говард, Р.Энвин, Н.Тейлор, Э.Сааринен, Н.Милютин, М.Гинзбурглар ўз қарашларида иккита “чизиқли шаҳар” ва “чегараланган ҳажмдаги шаҳар” йўналишидаги ғояларни илгари сурдилар⁷. Бундан кўриниб турибдики,

³Wirth L. Urbanism as a way of life. The American of journal of sociology. – Chicago, 1938; Wirth L. Urbanism as a way of life. The American of journal of sociology. – Chicago, 1938.

⁴Гидденс Э. Социология. – Тошкент: Шарқ, 2002. 626-бет.

⁵Григорьев В. А. Решение экологических проблем в градостроительных концепциях в период с конца XIX до конца XX вв. // Сибирская архитектурно-художественная. школа: Материалы Всероссийск. науч.-практ. конф. (г. Новосибирск, 12 марта 2001). – Новосибирск, 2001. – С. 91.

⁶Велев П. Города будущего. – Москва: Стройиздат, 1985. – 160 с.

⁷<https://moydom.media/architecture/le-korbyuze-i-ego-luchezarnyy-gorod-istoriya-genialnogo-proekta-2063>

дезурбанистлар шаҳар имкониятларининг чекланганлигига алоҳида эътибор қаратганлар.

М.Вебер, Л.Вирт, Э.Паркларнинг тадқиқотларида шаҳар антропологияси масаласи социологик нуқтаи назардан ўрганилган бўлиб, улар томонидан замонавий шаҳар – ижтимоий-худудий бирликка аҳолининг зич ҳолатда жойлашган макон сифатида гавдаланганини кўриш мумкин⁸. Уларнинг наздида шаҳар жамиятининг хусусияти асосий масалага айланган.

Шаҳар ижтимоий ўзгаришларнинг сабабчиси сифатида мустақил ҳодиса эканлиги К.Маркс, М.Вебер, Э.Дюркгейм ва М.Пиренларнинг тадқиқотларида таҳлил этилган⁹. Бунда улар шаҳар муҳитининг таъсирида у ердаги турли миллат ва элатларнинг маданиятида рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларнинг аҳамиятига алоҳида урғу берган.

З.Канукованинг “*факт ва ҳодисалар концепцияси*” да “шаҳар аҳолиси ўзига хослигининг асосини кундалик ҳаёт даражаси ташкил этиб, унинг кишилар маънавий ҳаётининг турли томонларини қамраб олиши” таъкидланади¹⁰. Яъни ҳар бир жамият ўзини-ўзи таъминлайдиган “маданий талабларига” эга бўлади¹¹. Саноат шаҳарларида бундай “талаблар” мавжудлигини кишилар турмуш тарзининг кўп жиҳатдан худуддаги етакчи корхоналарга бевосита боғлиқ бўлганлиги билан ифодалаш мумкин.

Мавжуд назарий-методологик қарашларнинг таҳлили натижасида, Ўзбекистонда шаҳар антропологияси муаммосини ўрганишга доир *шаҳар маданиятининг магнит майдони; замонавий шаҳар – анъаналар пайдо қилувчи макон* каби назарий ёндашувлар ишлаб чиқилди.

Диссертация биринчи бобининг “*Шаҳар антропологияси ва этнологияси тарихшунослиги*” деб номланган иккинчи параграфида муаммонинг ўрганилишига доир адабиётлар таҳлили амалга оширилган. Муаммони тадқиқ этишдаги ёндашувларнинг худудлар кесимида фарқли хусусиятларга эгаллиги боис ўрганилган адабиётлар уч гуруҳга: мустақиллик йилларида чоп этилган ишлар, совет даври адабиётлари ҳамда хорижий тадқиқотларга ажратилди.

Мустақиллик йилларида шаҳар мавзусини тадқиқ этиш турли соҳа вакилларининг диққат марказида бўлди. Жумладан, шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ўрганилди¹², айрим тадқиқотчиларнинг

⁸ Табибов А., Усманов К., Кадабаева Ш., Бадер О. Концепции современного градостроительства. – Ташкент, 2012.

⁹ Cornell T.J., Kathryn Lomas. Urban Society in Roman Italy. – London: Taylor & Francis e-Library, 2005. – P.10.

¹⁰ Канукова З.В. Полиэтнический город как объект историко-этнологического исследования. Автореф. реф. дисс. док. ист. наук. – Москва, 2001. – С.4.

¹¹ Тавадов Г.Т. Этнология. – Москва: Проект, 2002. – С.38.

¹² Рамазонов И.Р. Шаҳар билан қишлоқ аҳолисининг социал ҳаёт шароитларини яқинлаштириш муаммолари. Тар. фан. док. дисс. – Тошкент, 1992; Акилов А. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида шаҳар атрофи шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш. Иқт. фан. ном. дисс. – Тошкент, 1995; Турсунов Ж.Н. Ўзбекистон шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти тарихи (Бойсун, Шарғун ва Шўрчи шаҳарлари мисолида) 1970-1990 й.й. тар. фан. ном. дисс. – Самарқанд, 1995; Таштаева С.К. Ўзбекистон шаҳар агломерацияларининг шаклланиши ва ривожланиши хусусиятлари (Тошкент агломерацияси мисолида). Геог. фан. ном. дисс. – Тошкент, 2011; Рахматуллаев Ш. Фарғона водийси шаҳарларида иқтисодий трансформация жараёнлари. – Тошкент: Нишон ношир, 2017; Тўхтабоева Д.Э. Фарғона водийси вилоятларидаги кичик ва ўрта

ишларида эса тарихий шаҳарлар маданияти асосий объектга айланди¹³. Шунингдек, шаҳарлар тарихи масаласига бағишланган адабиётларда муаллифлар томонидан аҳолининг ижтимоий таркиби, шаҳарлар маданиятининг ўша даврга хос бўлган хусусиятларини очиқ берилган¹⁴. Қолаверса, шаҳар мавзуси устида мустақиллик йилларида архитектура, техника, тиббиёт соҳаси вакиллари томонидан ҳам тадқиқ қилинди¹⁵.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу даврда шаҳар аҳолисининг этнологиясига доир тадқиқотлар ҳам амалга оширилди. Мазкур соҳа вакиллари томонидан шаҳар шароитида фарзанд тарбияси, ижтимоий ҳаёт ва моддий маданиятдаги этник хусусиятлар, шаҳар аҳолисининг маросимий ҳаёти ҳамда никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одатлардаги трансформация жараёнлари ёритилди¹⁶. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида чоп этилган нашрларда Тошкент воҳаси саноат шаҳарларидаги ижтимоий-маданий жараёнлар муаммоси ўрганилмади.

Совет даври олимларининг шаҳар мавзусига доир тадқиқот ишларининг аксариятида шаҳар аҳолисининг турмуш тарзини ўрганиш орқали социалистик тараққиётни оммага намойиш қилиш мақсади қўйилган¹⁷.

шаҳарларнинг ривожланиши: ўзгаришлар ва муаммолар (1991-2016 йй.) тар. фан. фал. док. дисс. – Тошкент, 2018; Сейдаметова Г. Повседневная жизнь городского населения Каракалпакстана в 60-80-х годах XX века. Монография. – Ташкент, 2020.

¹³ Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и период античности). Дисс. док. ист. наук. – Самарканд, 2000; Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёда илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Тар. фан. док. дисс. – Тошкент, 2008; Эштемиров Жасурбек Суюнкулович. XX-XXI аср бошларида Қарши шаҳри маданияти. Тар. фан. фал. док. (PhD) дисс. – Тошкент, 2018; Қдырнийзов О.Ш. Жанубий Оролбўйи шаҳар маданияти тарихи (VII-XV асрлар). Тар. фан. фал. док. (PhD) дисс. – Самарканд, 2019; Тоғаев А. Урбанизация жараёнлари ва шаҳар маданияти муаммолари (1950-1990 йиллар); Сидикова М.Х. Самаркандда замонавий шаҳар маданиятининг ривожланиш хусусиятлари. Тар. фан. фал. док. (PhD) дисс. авт. – Тошкент, 2019.

¹⁴ Кудияров А.Р. История города Чимбая (XIX – начало XX вв.). Дисс. канд. ист. наук. – Нукус, 1999; Агзамова Г.А. XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти. Тар. фан. док. дисс. – Тошкент, 2000; Есназарова З.Б. История города Нукуса периода независимости (1991-2005). Дисс. канд. ист. наук. – Нукус, 2009; Хатамова М.М. Турк хоқонлиги шаҳарлари (VI-VIII асрлар). Тар. фан. фал. док. (PhD) дисс. авт. – Тошкент, 2018; Мансуров У.У. 1917-1924 йилларда Фарғона водийси шаҳарлари тарихи. Тар. фан. фал. док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

¹⁵ Мамаджанов И.М. Преемственное развитие градостроительной среды исторического города (на примере Коканда). Дисс. канд. архит. наук. – Ташкент, 1994; Худайберганаева Н.Ш. Ўзбекистон шаҳарларида кам сифимли меҳмонхоналар шаклланишининг архитектуравий ечимлари. Архит. фан. ном. дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Усманов Қ.Т. Шаҳар худудини автотранспорт шовқини ва чиқинди газлари таъсиридан муҳофаза қилувчи чора-тадбирларни комплекс таққослаш. Тех. фан. ном. дисс. – Тошкент, 2005; Курбанова Ш.И. Шаҳар Йўловчи автотранспортида ишловчилар меҳнатининг гигиеник ва физиологик тавсифи. Тиб. фан. ном. дисс. – Тошкент, 2011.

¹⁶ Садгян И.М. Воспитание детей в городской семье каракалпаков. Дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1993; Арифханова З., Зунунова Г., Камаритдинова М. Современные этнокультурные процессы в махаллях Ташкента. – Ташкент: Фан, 2005; Пайзиева М.Х. Тошкент шаҳри ўзбекларининг анъанавий ва замонавий мотам маросимлари (XX аср). Тар. фан. ном. дисс. – Тошкент, 2009; Расулова З.А. Тошкент шаҳри ўзбекларининг оила-никоҳ муносабатлари. Тар. фан. ном. дисс. – Тошкент, 2009; Убайдуллаева Б. Ўзбекларнинг ёш авлод тарбияси борасидаги анъаналари ва замонавийлик. – Тошкент: Yangi nashr, 2010.

¹⁷ Прусаков А.П. Современный фольклор московских рабочих // СЭ, №3. – Москва-Ленинград, 1949. – С.201-202; Винников Я.Р. Современное жилище колхозников-туркмен Марыйской области // СЭ, №2. – Москва-Ленинград, 1950. – С.107-120; Чебоксаров Н.Н. Этнографическое изучение культуры и быта московских рабочих // СЭ, №3. – Москва-Ленинград, 1950. – С.107-123; Анохина Л., Шмелева М. Быт городского населения средней полосы РСФСР в прошлом и настоящем. – Москва, 1977; Зухритдинов Ш.А.

XX асрнинг 20-йилларида шаҳар этнографиясига доир дастлабки тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, 1960-1970-йиллардагина мазкур соҳа совет илм-фанида алоҳида илмий йўналиш сифатида шаклланди¹⁸. Совет этнографиясининг шаҳар мавзусини ўрганишга оид тадқиқотларнинг чегараси дунёдаги социалистик мамлакатлар шаҳарларини ўрганишни йўлга қўйиш ҳисобига ҳам кенгайди¹⁹.

Умуман олганда, совет давридаги шаҳар муаммосига доир этнографик тадқиқотларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалар билан кучли боғланганлигини кўриш мумкин.

Хорижда замонавий шаҳар антропологиясини ўрганишда асосан шаҳар жамияти ва маданияти, этник анклавлар, миграция жараёнларига асосий эътибор қаратилган²⁰. Бунда уларнинг ғоявий асосида капиталистик муносабатларнинг кенг ўрин олганлигини кўриш мумкин. Яъни, шаҳар маданиятини ўрганиш кўп ҳолларда ижтимоий-иқтисодий муаммолар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган.

Ўзбекистон шаҳарлари тадқиқотларига бағишланган хорижлик мутахассисларнинг асарларида тарихий шаҳарлар архитектурасига доир масалаларга кўп бора муожаат қилинган²¹. Уларнинг айримлари томонидан

Возникновение новых городов и их роль в строительстве социализма в Узбекистане. Дисс. док. ист. наук. – Ташкент, 1984; Исмаилова Ж. Социально-экономическая и культурная жизнь “новой” части города Ташкента в 60-х годах XIX – начале XX в. Дисс. канд. ист. наук. –Ташкент, 1988; Спасенкова И.В. Православная традиция русского города в 1917-1930-е гг. (на материалах Вологды). Дисс. канд. ист. наук. – Вологда, 1999. – 275 с.; Скрипачева И.А. Современный город как культурная система. Дисс. док. культ. наук. –Киров, 2010; Антропов Е.В. Новосибирск: этнические аспекты возникновения и развития города (конец XIX – начало XXI в.) Дисс. канд. ист. наук. –Томск, 2013.

¹⁸ Этнокультурные процессы в современном полиэтническом городе (на материалах Ташкента). Отв. ред. Алимова Д.А., Хан В.С. – Ташкент, 2011. – С.5.

¹⁹ Крастыня А.К. О строительстве жилых домов колхозников в Латвийской ССР // СЭ, №3. –Москва-Ленинград, 1960. –с.52-65; Робакидзе А. Новые черты современного грузинского крестьянского жилища // СЭ, №1. – Москва-Ленинград, 1961. – С.52-65; Терентьева Л. Формирование новых обычаев и обрядов в быту колхозников Латвии//СЭ, №2. – Москва-Ленинград, 1961. – С.24-41; Данилюскас Л. К вопросу об изучении культуры и быта литовских рабочих (По материалам фабрики «Нямунас» Рокишкского района) // СЭ, №5. –Москва-Ленинград, 1962. – С.41-48.

²⁰ Margaret N. The significance of kinship in rural-urban migration. – Vancouver, 1965; Oscar L. The Culture of Poverty. – New-York, 1966; Srinivas M. Social Change in Modern India. – California: University of California Press, Kerkeley, 1966; Sennet R. Classic essays on the culture of cities. – New Jersey: PRENTICE-HALL. INC., ENGLEWOOD CLIFFS, 1969; Aldrich H. Ethnicity and entrepreneurship // Annual Reviews Social. – New-York, 1990; Haferkamp H., Neil J. Smelser. Social Change and Modernity. – Los Angeles: University of California PRESS, 1992; Sanders J. Chinatown - the socioeconomic potential of an urban enclave // American Journal of Sociology. Vol. 99. – Chicago: The University of Chicago Press, 1993; Holston J., Appadurai A. Cities and Citizenship// Public Culture. – Chicago: The University of Chicago Press, 1996; Gmelch, G. and Zenner, W. Urban Life Readings in Urban Anthropology. – New-York: Illinois: Waveland Press, 1996; Light I., Rosenstein C. Race, ethnicity and entrepreneurship in urban America. – New-York, 1996; Low S. The anthropology of cities: Imaging and Theorizing the city // Annual Reviews of Anthropology. – New-York, 1996; Bernard W. Ethnicity and Entrepreneurship: The New Chinese Immigrants in the San Francisco Bay Area. – Massachusetts: Allyn & Bacon, 1998; Dear M., Flusty S. Postmodern Urbanism. – California, 1998.

²¹ Schuyler E. Turkistan. Notes of a Journey in Russian Turkistan Khokand, Bukhara and Kuldja. Vol. I-II. – New York: Scribner Armstrong. 1876; Petruccioli A. Bukhara the Myth and the Architecture. – Cambridge, 1999. – P.161; Stroud J. The Bartimaeus Trilogy. The Amulet of Samarkand. – London, 2003; Ganler A., Gaube H., Petruccioli A. Bukhara – The Eastern Dome of Islam. – London, 2004; Morrison A. Russian Rule in Samarkand 1868–1910. – New York: Oxford university press, 2008; Rebekka M. To the Tashkent Station. – London: Cornell University Press, 2009; Wennberg F. On the Edge the Concept of Progress in Bukhara during the Rule of the Later Manghits. – Uppsala, 2013. – P.104-107.

мавзуга доир шаҳар антропологияси талқинидаги айрим маълумотлар қайд қилинган²². Баъзи тадқиқотларда шаҳар асосий объект ҳисобланмасада, ўрганилаётган жараёнлар бевосита шаҳар муҳити орқали тадқиқ этилади.

Хулоса ўрнида замонавий шаҳар муаммосига доир назарий қарашларда бугунги глобаллашув шароитида улар кўзда тутмаган масалаларнинг ортаётгани, шу сабабли янгича ёндашувлардан фойдаланиш зарурати пайдо бўлди дейиш мумкин. Шунингдек, хорижий тадқиқотларда Ғарбдаги капиталистик жамиятга хос хусусиятлар устуворлиги, совет даврида яратилган ишларда мафкуранинг таъсири кучли бўлганлиги, мустақиллик даври адабиётларида шаҳар антропологияси муаммосининг айрим жиҳатларигина қамраб олинганини алоҳида қайд этиб, бугунги ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, муаммони ўрганишнинг янгича усулларида фойдаланишни тақозо этаётганлигини таъкидлаш лозим.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолисининг шаклланиши тарихи ва этномаданияти”** деб номланган.

Ушбу бобнинг *“Вилоят саноат шаҳарлари аҳолисининг шаклланиши тарихи ва этник таркиби”* сарлавҳали биринчи қисмида мазкур масала мавжуд адабиётлар, архив ҳужжатлари маълумотлари ҳамда дала этнографик материалларининг қиёсий таҳлили асосида тарихни қайта тиклаш нуқтаи назаридан талқин қилинган.

Тошкент вилояти ҳудудига турли миллатларнинг кўчиб келиши жараёни ХХ асрда кучайди. Бу бевосита воҳада саноат шаҳарларининг шаклланиши билан боғлиқ эди. Ушбу аҳоли миграциясининг аввалгиларидан фарқли томони шундан иборатки, вилоятнинг миллий таркиби турли дин, тил ва маданият эгалари бўлган европалик миллат вакиллари ҳисобига кўпайиб борди. Натижада саноат марказларида кўпмиллатли (полиэтник) муҳит шаклланди. Агар мазкур саноат марказларининг аксарияти Оҳангарон водийсида жойлашгани инобатга олинса, ХХ асрда рўй берган аҳолининг кўчиб келиши жараёнини Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолиси шаклланиши тарихининг ажралмас қисми сифатида баҳолаш мумкин.

Чирчиқдаги маҳаллий аҳоли асосан Ниёзбек, Қипчоқ ва Жалоир каби қишлоқларида яшаган.²³ 1926 йилги аҳоли рўйхатида уларнинг сони 1025 нафар эканлиги қайд этилган²⁴. Булар асосан, маҳаллий аҳоли вакиллари ҳисобланишган.

Адабиётларда “Чирчиқ” номининг келиб чиқиши ерли аҳоли тилида “қичқирик” сўзининг ўзгарган шаклига айланганлиги таъкидланади²⁵. Чирчиқ

²²Neverov A. Tashkent. – London, 1930; Kamp M. The New Woman in Uzbekistan. – London, 2006. – P.29; Sahadeo J. Russian colonial Society in Tashkent, 1865–1923. – Bloomington, 2007; Stronski P. Tashkent forging a soviet city, 1930-1966. – Pennsylvania: University of Pittsburgh Press, 2010; Бейли Ф.М. Миссия в Ташкенте. Перевод А.Михайлова. – Москва, 2013; Sahadeo J. Voices from the soviet edge. Southern migrants in Leningrad and Moscow. – London: Cornell university press, 2019;

²³ Дала ёзувлари Чирчиқ шаҳри, 2019 йил, октябрь.

²⁴ Материалы Всесоюзной переписи населения 1926 г. В УзССР, вып. 1, Самарканд, 1927. – С.150.

²⁵ Дала ёзувлари Чирчиқ шаҳри, 2019 йил, октябрь.

– бу кичик Сирдарё деган маънони ҳам билдиради²⁶. Шунингдек, “Чор-чиқ – тўрт дарё” сўзидан келиб чиқилган деган қарашлар мавжуд бўлиб, дарёга Кўксув, Чотқол, Угом, Пском сувларининг қуйилиши назарда тутилган²⁷. Бу ерда яшовчи ўзбеклар ҳамда қозоқларнинг айрим элибой, жомбой, аранчи каби уруғлари асосан ён атрофдаги адирлар ва тўқайларда ўз чорваларини боқиб юрганлар.

Чорвоқ сув омборининг қурилиши муносабати билан Боғистон қишлоғи аҳолисининг бир қисми яқин атрофдаги саноат шаҳарларига кўчирилди (асосий қисми Чирчиқ ва Бекободга кўчирилган)²⁸. Натижада шаҳар аҳолиси таркибида тожикларнинг салмоғи кўпайди. 80-йилларга келганда Чирчиқда 72 та миллат вакиллари яшаган²⁹. Бу борада, Тошкент воҳаси саноат марказлари республикадаги айрим йирик шаҳарлардан ўзининг кўпмиллатлилиги билан ажралиб турган.

Ангрен атамаси маҳаллий аҳоли томонидан “ҳангран” кўринишида дарёга берилган сўзнинг ўзгарган шакли бўлган. Ушбу сўз қурама шевасида бўлиб, ҳайқириб оқувчи сув маъносида қўлланилган³⁰. Бироқ ушбу фикрларни инкор этувчи қатор мулоҳазалар ҳам йўқ эмас³¹. Шундай бўлсада, ушбу фикрларни илмий асосга эга дейиш қийин.

Ҳозирги Ангрен шаҳри ҳудудида асосан қурамалар истиқомат қилган³². Улар чорвачилиқдан ташқари деҳқончилик, кончиликнинг содда кўринишлари билан ҳам шуғулланган. Шунингдек, қурамалар Олмалиқда ҳам яшаган. В.Радлов мазкур минтақада қурамаларнинг бешта уруғ шаҳобчаси – жалойир, телов, тома, жағалбайли ва тароқлилар бўлганлигини қайд қилган³³. Бундан Тошкент воҳасида азалдан яшаб келган маҳаллий аҳолининг турли этник бирликлардан иборат бўлган дейиш мумкин.

Кейинги даврларда мазкур шаҳар аҳолисининг ўсиши жуда юқори бўлиб, 1950 йилда 3779 нафар, 70-йилларда 95 минг кишини ташкил этган³⁴. Бу даврда Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолиси эса 1695,2 минг нафарни ташкил этди. Шундан 128 минг киши – Чирчиқ, 98,9 минг киши – Ангрен, 61,1 минг киши – Бекободда яшаган³⁵. 1983 йилга келиб бу кўрсаткич Олмалиқда 109,4 минг кишини ташкил этди³⁶. Бу борада, Тошкент воҳаси саноат шаҳарлари аҳоли демографиясидаги ўзгаришлар кўп жиҳатдан ҳукуматнинг ҳудудга ишчиларни кўчириши сиёсатига боғлиқ бўлган.

²⁶ Maksudov F., Natamova M. Historical place names in the Sir darya river basin. // The social history and anthropogenic landscape of the Syr darya river basin: exploring an environmental archive. – Tashkent. – P.16.

²⁷ Самеджанов А. Чирчиқ – Келажакка интилаётган шаҳар. – Тошкент: Innovatsiya-ziyo, 2020. 4-бет.

²⁸ Дала ёзувлари. Чирчиқ шаҳри, 2021 йил, май.

²⁹ Савченко Н., Джалилов А. Чирчиқ. – Ташкент: Ўзбекистан, 1980. – С.3.

³⁰ Раззоқов А. Оҳангарон гавҳарлари. – Тошкент: Oltin Meros Press, 2019. 101-бет.

³¹ Муҳаммад Саид. Оҳангарон ва Ангрен бир номдаги икки шаҳарми? / Тошкент ҳақиқати. 2020 йил 14 март сони.

³² Дала ёзувлари Ангрен шаҳри, 2019 йил, ноябрь.

³³ Ёрматов И. Илоқ тарихи. – Тошкент, 2005. 81-бет.

³⁴ ЎзМА. Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 1509-иш, 2-варақ.

³⁵ ЎзМА. Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 3610-иш, 14-варақ.

³⁶ ЎзМА. Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 4424-иш, 14-варақ.

Энди бевосита Бекобод шаҳри хусусида тўхталинадиган бўлса, 1940 йили шаҳар посёлкаси (горпоселения) мақомида бўлган даврда 8279 нафар аҳоли қайд этилган³⁷. Вилоятдаги бундай мақомдаги аҳоли манзилгоҳларида кишилар сони 61685 нафарни ташкил этган³⁸. Аҳолининг миллий таркибига назар солинадиган бўлса, ўзбеклар 1737, руслар 4035, татарлар 532, корейслар 450, тожиклар 444, украинлар 347, қozoқлар 274 нафарни ташкил этган³⁹. Келтирилган рақамлардан шуни кўриш мумкинки, Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолиси ўтган асрнинг ўрталаридаёқ полиэтник минтақага айланган.

1950 йилда Бекободда 26514⁴⁰ нафар киши қайд этилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярмида туғилганлар 481, вафот этганлар 225 нафарни ташкил этди⁴¹. Табиий ўсиш 6 ой учун 256 га тенг бўлди. Кейинги йилларда, саноат корхоналарида ишлаш учун аҳолини кўчириш ҳам анча кўпайиб борди. 1955 йилда Бекобод шаҳрига 155 оила, яъни 637 киши кўчирилган бўлиб, уларнинг аксарияти, 368 нафари саноат корхонаси ишчиси ҳисобланган⁴². 1976 йилга келиб шаҳар аҳолиси 61,1 минг кишига етган⁴³. Бундан кўринадики, саноат шаҳарлари аҳолисининг шаклланиши ҳудуддаги йирик корхонларнинг қурилиши билан бевосита боғлиқ ҳолда рўй берди.

Иккинчи бобнинг *“Саноат шаҳарлари аҳолиси маиший турмушида социалистик муҳитнинг шаклланиши”* деб номланган иккинчи параграфида XX асрнинг иккинчи ярмида Ангрен, Бекобод, Чирчиқ, Олмалиқ каби саноат шаҳарларида ўзига хос социалистик муҳитнинг шаклланганлиги аҳолининг турмуш тарзи орқали очиб берилган.

Маиший турмуш аҳоли яшаш даражасини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Айниқса, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси инсон эҳтиёжларини қондириш ва унинг ривожланиши учун шароит яратишдек муҳим ҳаётий вазифаларни бажаради⁴⁴. Ангрен, Бекобод, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳалари аҳолисининг турмуши, ҳаётий эҳтиёжлари эса кўп жиҳатдан етакчи саноат корхоналарига боғланиб борди.

Аҳолининг маиший турмушида рўй бераётган ўзгаришлар ўрганилган совет давридаги айрим этнографик асарларда социалистик муҳитнинг жамият ҳаётига чуқур кириб бораётгани қайд қилинган⁴⁵. Уларда юқорида таъкидланганидек, мафкура мақсадларига мос келадиган ёндашувлардан фойдаланилди.

³⁷ ЎзМА. Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 701-иш, 2-жадвал.

³⁸ ЎзМА. Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 815-иш, 3-варақ.

³⁹ ЎзМА. Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 674-иш, 7-варақ.

⁴⁰ ЎзМА. Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 1509-иш, 2-варақ.

⁴¹ ЎзМА. Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 1509-иш, 12-варақ.

⁴² ЎзМА. Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 1791-иш, 3-варақ.

⁴³ ЎзМА. Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 3610-иш, 14-варақ.

⁴⁴ Насиров Б. Ўзбекистон аҳолисининг кундалик ҳаётида маиший хизмат тизимининг ўрни (1925-1991 йй.). Тар. фан. фал. док. (PhD) дисс. авт. – Тошкент, 2018. 5-бет.

⁴⁵ Сухарева О., Бикжанова М. Прошлое и настоящее селения Айкыран (Опыт этнографического изучения колхоза имени Сталина Чартакского района Наманганской области). – Ташкент: АН Узбекской ССР, 1955; Этнографические очерки узбекского сельского населения // Г.Васильева, Б.Кармышева (отв.ред.). – Москва: Наука, 1969.

Саноат шаҳарларида ташкил этилган янги-янги саноат корхоналари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам шаҳар аҳолисининг маиший турмушига таъсир кўрсатган. 1959-1965 йиллар оралиғида аҳолининг маиший хизмат кўрсатиш соҳасидан фойдаланиш имконияти 4 баравар ўсган. Хусусан, шаҳарликлар 1970 йилда 1965 йилдагидан кўра 25 дан зиёд маиший хизмат турларига эга бўлган⁴⁶. Мазкур соҳани ривожлантириш шаҳардаги етакчи саноат корхоналари бажарадиган муҳим вазифалардан бирига айланган.

Ўз ўрнида айтиш керакки, аҳолининг тўхтовсиз ўсиб бориши айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқарган. Хусусан, ЎзССР кўчириш бошқармасининг бошлиғи М.Ғофуров кўчиб келаётганларнинг аксариятида уйларнинг етишмаслигини маълум қилади⁴⁷. Шундай бўлса-да, кўчириш жараёни давом эттирилиб, 1955 йилда Тошкент вилоятининг саноат шаҳарларига 435 оила ёки 1019 нафар кишини кўчириш белгиланди. Тегишли ҳужжатларда улардан 393 оиланинг турар-жойга эҳтиёжи борлиги қайд этилди⁴⁸. Шу туфайли Иттифокнинг бошқа республикаларида бўлганидек, ўрганилаётган ҳудудда ҳам турар-жойларнинг қурилишида сон асосий ўринга қўйилди.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб саноат шаҳарларига иссиқлик қувватининг янги манбалари кириб келди. Эндиликда, кўп-қаватли уйларни иситиш учун ишлаётган қозонхоналар тугатилди. Чирчиқ шаҳрига 1961 йилда табиий газ кириб келди⁴⁹ ва 1965 йилда давлат уйларининг барчаси газлаштирилди⁵⁰. Чирчиқ шаҳрини 1966-1968-йилларда қайта қуриш тадбирлари даврида урбанизацияси чегараси янада кенгайди.

Ишчиларнинг моддий-маиший турмушини яхшилаш шаҳар ҳаётини социалистик изга солиш билан бирга кечди. Совет шаҳарсозлик қондасига кўра саноат корхонасига йўналган марказий кўча бўйлаб қатъий тартибдаги турар-жой комплекслари барпо этилган⁵¹. Шу сабаб Олмалик шаҳри аҳолиси орасида “*барча йўлларнинг охири конга олиб боради*” ибораси кенг тарқалган⁵².

Мазкур бобнинг учинчи қисмида *шаҳар аҳолисининг этномаданий ўзига хослиги ва “советлаштириш”га мослашув* масаласи ёритилган. Маълумки, “саноат шаҳри” ва “социалистик шаҳар” атамалари бир маънони англатиб, уларнинг энг муҳим вазифаларидан бири совет кишисининг юксалган ҳаёт тарзини ўзида акс эттириш эди⁵³. Янгиланган шаҳар муҳити кишиларнинг моддий эҳтиёжи билан бирга маънавиятига ҳам таъсир кўрсатди.

⁴⁶ Гулямов А. Ангрен. – Ташкент: Узбекистан, 1971. – С.35-36.

⁴⁷ ЎзМА. Р-314-фонд, 7-рўйхат, 180-иш, 279-варақ.

⁴⁸ ЎзМА. Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 1791-иш, 279-варақ.

⁴⁹ “Правда Востока”, 10 июнь 1961 г.

⁵⁰ История новых городов Узбекистана Ташкентская область. – Ташкент: Фан, 1976. – С.69.

⁵¹ Лун Алек (*Alec Luhn*). Тайная история Магнитогорска, стального города России. https://inosmi.ru/country_russia/20160416/236166749.html

⁵² Дала ёзувлари Олмалик шаҳри, 2019 йил, декабрь.

⁵³ Анаркулов С. Советча шаҳарсозлик сирлари. // Тафаккур, 4-сон. – Тошкент, 2019. 94-бет.

Совет даври адабиётларининг аксариятида “турмуш тарзи” тушунчаси коммунистик мафкура таъсирида талқин этилиб, асосан, социалистик жамиятдаги турли миллат вакиллари орасида интернационал муҳитнинг шаклланишига урғу берилди⁵⁴.

Маълумки, кишиларнинг маълум муҳитга ижтимоий-маданий мослашувида турар-жойлар муҳим вазифани бажаради. Саноат шаҳарларида аҳолининг турар-жойлар билан таъминланиши кўп жихатдан етакчи корхоналар қарамоғида бўлган. Ишчиларнинг уй-жойга эга бўлиши шу гигантларнинг профсоюзлари томонидан навбат асосида ҳал этилган⁵⁵. Асосан “хруштовка” усулидаги кўп қаватли уй-жойлар барпо этилиб, айрим ҳолларда тегишли корхона ихтиёридаги ер участкасидан жой ажратилган. У ерда уй қуришда ишлатиладиган цемент, шифер, ёғоч, эшик-ром каби зарур маҳсулотлар ҳам корхонадан олинган⁵⁶.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб саноат шаҳарларини микрорайонларга бўлиш бошланди. Микрорайон – шаҳарнинг таркибий қисми бўлиб, у ерда кундалик ижтимоий хизмат муассасалари жойлаштирилди (мактаб, боғча, магазин, маданий ва маиший хизмат муассасалари ва бошқа)⁵⁷. Эндиликда соҳа ишчиларининг кундалик ҳаёти микрорайонлар орқали “советлаштирилди”.

Саноат шаҳарлари аҳолисининг кундалик ҳаётида энг муҳим масала – бу кунлик ҳарид жараёнидир. Ўтган асрнинг 70-йилларида ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 100-120 сўм, мастерларники 300-400 сўм атрофида бўлган. Бу даврда гўшт нархи 1,5-2,5 сўм, тухум 30-90 тийингача, картошка 9-10 тийин, оқ нон 15-25 тийин, пиёз 5-10 тийин, шакар 90 тийин бўлган⁵⁸. Агар саноат шаҳарлари аҳолисининг аксарияти кичик оилалардан иборат эканлиги инобатга олинса, корхона ишчисининг маоши озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун етарли бўлган. Айрим маиший техника воситаларининг нархи олинадиган ойликка нисбатан қиммат турган. Масалан телевизор 300 сўм атрофида, совутгич 200 сўмдан ортиқ турган⁵⁹. Бундан кўринадики, ишчилар даромади ва сарф-ҳаражатлари ўртасида айрим номутаносибликлар бўлган.

Саноат шаҳарлари аҳолиси турмуш тарзининг яна бир ўзига хос хусусияти аралаш никоҳларнинг кўп қайд этилганлигидир. Аралаш никоҳдаги оилаларнинг вужудга келишини қуйидагича таснифлаш мумкин:

аввал бошдан турмуш қуриб, кейин кўчиб келганлар (асосан, урушга борган йигитнинг ўша ердаги рус, украин, белорус, поляк ва бошқа европа миллати вакилларига уйланиши);

⁵⁴ Исмоилова З.У. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида қишлоқ турмуш тарзи янгиланишининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий омиллари. Фал. фан. ном. дисс. – Тошкент, 1999. 19-20-бетлар.

⁵⁵ Дала ёзувлари. Чирчиқ шаҳри, 2019 йил, октябрь.

⁵⁶ Дала ёзувлари. Чирчиқ шаҳри, 2019 йил, ноябрь.

⁵⁷ Доценко А.М. Повседневная жизнь советского города начала 1950 - первой половины 1980-х годов (на материалах г. Куйбышева и городов Куйбышевской области). Автореф. Дисс. канд. ист. наук. – Самара, 2007. –С.21.

⁵⁸ Дала тадқиқотлари. Ангрен шаҳри. 2021 йил июль.

⁵⁹ Дала тадқиқотлари. Ангрен шаҳри. 2021 йил июль.

заводда ишлаб юриб танишган ва турмуш қурган;
кўни-кўшничилик туфайли яқинлашган ва фарзандлари ўртасида никоҳ қурилган оилалар ва бошқалар.

Мисол тариқасида олинадиган бўлса, 1982 йилда Тошкент вилоятида туғилган 2755 нафар татар миллатига мансуб боланинг 1700 нафари аралаш никоҳли оилаларда дунёга келган⁶⁰. Ёш авлодда аралаш маданиятга мойилликнинг кучли бўлиши, ўзига хос янги кўринишларининг шаклланишида бундай оилаларнинг роли катта бўлган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Миграция жараёнлари ва саноат шаҳарлари аҳолисининг ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўзгаришлар”** деб номланган. Ушбу бобнинг дастлабки, *“Глобаллашув ва миграция жараёнларининг шаҳар аҳолисининг ижтимоий-маданий ҳаётига таъсири”* номли параграфда аҳоли миграциясининг шаҳар антропологиясига таъсири, миллий таркибдаги ўзгаришлар ҳамда вужудга келган ўзига хос этномаданий муҳитга кишиларнинг ижтимоий-маданий мослашуви жараёнлари таҳлил этилган.

